

## ОЛИЙ ТАЪЛИМДА БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИ МУСТАҚИЛЛИГИНинг ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

**Набиев Дилмурод Хамидуллаевич -**  
Қарши ДУ ректори, иқтисодиёт фанлари доктори  
**Эркаева Гулбахор Панжисевна -**  
Қарши ДУ Иқтисодиёт кафедраси доценти

**Аннотация:** Ушбу мақолада республикамизда олий таълимни ривожлантириш концепциясидан келиб чиқкан ҳолда ОТМда самарали бошқарув фаолияти мустақиллиги ва ваколатларини кенгайтириш муаммолари ёритилган. Таълим сифатини яхшилаш, ўқув ишларини бозор эҳтиёжларидан келиб чиқиб ташкил этиш, олий таълим муассасасининг бошқарув тизимида кафедраларнинг асосий ўқув-илмий бўлинма сифатидаги ўрни таҳлил қилинган. Илмий-тадқиқот ишлари натижадорлигини ошириш, илм-фаннинг инновацион инфраструктурунин шакллантириш, олий таълим муассасаларининг академик мустақиллиги, молиявий мустақиллиги ва барқарорлигини таъминлаш, уларни тизимли ривожлантириш ва бошқа масалаларга кенг эътибор қаратилган.

**Калим сўзлар:** олий таълим муассасаси, кафедра, бошқарув, ваколатлар, таълим сифати, илмий салоҳият, ўқув режаси, ўқув дастури, меҳнат бозори талаблари, профессор-ўқитувчилар, битирувчилар, илмий-тадқиқот.

## АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ АВТОНОМНОСТИ УПРАВЛЕНИЯ В ВЫСШЕМ ОБРАЗОВАНИИ

**Набиев Дилмурод Хамидуллаевич -**  
доктор экономических наук,  
ректор КаршиГУ  
**Эркаева Гулбахор Панжисевна -**  
доцент кафедры экономики, КаршиГУ

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются проблемы автономности и расширения полномочий в эффективном управлении вуза исходя из концепции развития высшего образования. Анализируются повышение качества образования, организация учебной работы с учетом потребностей рынка, роль кафедр как основного учебно-научного подразделения в системе управления вузом. Большое внимание уделяется повышению эффективности научных исследований, формированию инновационной инфраструктуры науки, обеспечению академической независимости, финансовой независимости и устойчивости высших учебных заведений, их системному развитию и другим вопросам.

**Ключевые слова:** высшее учебное заведение, кафедра, управление, полномочия, качество образования, научный потенциал, учебный план, учебная программа, требования рынка труда, профессорско-преподавательский состав, выпускники, научное исследование.

## ACTUAL QUESTIONS AUTONOMY MANAGEMENT IN HIGHER EDUCATION

**Nabiev Dilmurod Khamidullaevich -**  
Doctor of Economics, Rector of Karshi SU  
**Erkaeva Gulbahor Panjievna -**  
Associate Professor of the Department of Economics, Karshi SU

**Annotation:** This article discusses the problems of autonomy and empowerment in the effective management of the university based on the concept of development of higher education. The article analyzes the improvement of the quality of education, the organization of educational work taking into account the needs of the market, the role of departments as the main educational and scientific unit in the university management system. Crucial attention is paid to improving the efficiency of scientific research, the formation of an innovative infrastructure of science, ensuring academic independence, financial independence and sustainability of higher education institutions, their systemic development and other issues.

**Key words:** higher education institution, department, management, authority, quality of education, scientific potential, curriculum, curriculum, labor market requirements, faculty, graduates, scientific research

**Кириш.** Бугунги кунда мутахассисларни тайёрлаш даражасига бўлган талаблар кучайиши, таълим тизимининг давлатнинг ва инсоннинг ҳозирги даврда дунёдаги мавқеини белгилаб бериши таълим тизимидан доимо ўзгариш ва бозор шароитларига мослашувчанликни талаб қиласди. Кейинги йилларда олий таълимнинг янги моделлари ишлаб чиқилмоқда ва амалиётга қўлланилмоқда ҳамда асосий эътибор

инновация, автоном, фан ва таълим бирлигига асосланган янгича турдаги, янги авлод университетларини яратишга қаратилмоқда. Университетлар жаҳон рейтингларида иштирок этишлари учун юқори стандартларга жавоб бериши лозим. Бунда асосий мезонлар бўлиб – кадрларни тайёрлаш сифати, битирувчиларнинг меҳнат бозорида талабгорлиги, илмий салоҳият, илмий инновацион ғояларни илгари суриш, халқаро

алмашув ва педагог кадрларни илмий фаоллиги (нашрлар ва иқтибослар индекси) ҳисобланади.

Бугун таълим сифати муаммоси мамлакатимиз таълим тизимини ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг бош масаласи ҳисобланади. Олий таълим муассасаси ўз битирувчиларига илм-фан ютуқларини ҳисобга олган ҳолда билимларни, касбий кўнгилмаларини, маҳорат ва малакаларини самарали тўлдириш ва янгилаш қобилиятини беришни назарда тутувчи сифатли таълим беришга, ўзининг таълим фаолиятини ташкил этишда эса энг аввало, иш берувчилар, давлат, жамият, талабалар, уларнинг отоналари, университет таъсисчиларининг мутахассисларни тайёрлаш мазмунига бўлган талабаларини ҳисобга олишга мажбур.

БМТнинг 2030 йилгача Барқарор Ривожланиш Мақсадларида таъкидланганидек, олий таълим жаҳонда барқарор иқтисодий ўсишнинг етакчи омилига айланмоқда. Шу туфайли кейинги йилларда юқори малакали кадрлар тайёрлаш суръати жаҳонда сақланиб, 2030 йилга бориб, олий ўқув юртлари талабаларининг прогноз сони 414 миллион кишига етади ва у 2000 йилга нисбатан 4,2 баробарга кўпдир[20]. Демак, замонавий мутахассисларнинг умри давомида эгаллаётган билимлари пойдевори олий таълим муассасаларида яратилаётганлиги нуқтаи назаридан олий таълим сифатини ошириш масаласи комплекс ҳал қилиниши зарур муаммо ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясида мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишлари натижадорлигини ошириш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, илм-фаннынг инновацион инфратузилмасини шакллантириш, олий таълимни модернизация қилиш, олий таълим муассасаларининг академик мустақиллиги, молиявий мустақиллиги ва барқарорлигини таъминлаш, уларни тизимли ривожлантириш ва бошқарув фаолиятини такомиллаштириш каби ва бошқа масалаларга кенг эътибор қаратилган.

Тадқиқотнинг мақсади - мамлакатимиз олий таълим муассасалари бошқарув фаолияти мустақиллигини таъминлашнинг муаммолари ва истиқболларини ўрганишdir.

#### **Муаммони ўрганилганлик даражаси.**

Олий таълим муассасаларида юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини оширишга оид илмий-тадқиқот ишлари жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Harvard University, New York University, Stanford University, Graduate School of Business, University

of Chicago (АҚШ), Oxford Brookes University, University of Cambridge (Буюк Британия), University of Munster (Германия), Wageningen University and Research Center (Нидерландия), the Japanese International Cooperation Agency (Япония), International University of business and economics (Хитой), Singapore Management University (Сингапур), UNDP, UNESCO каби халқаро ташкилотлар, Москва давлат университети, Россия иқтисодиёт университети (Россия) [12], шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги хузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти, Тошкентдаги Халқаро Вестминстер университети, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Ўзбекистон миллий университети, Тошкент молия институти, Самарқанд давлат университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Қарши давлат университетида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш ва уларни ишга йўналтириш жараёни; олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси ва бошқа қатор масалаларнинг назарий асослари, моделлари ва замонавий тенденциялари хорижлик олимлардан А.Ашер, R.Barro, Дуглас Д., E.C.Andrade, E.Hanushek, Kozma B.R., A.Maddison, G.Philip, L.Pritchett ва бошқа олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида ўз аксини топган. Олий таълим сифатини бошқариш, битирувчилар салоҳиятининг иқтисодий ривожланишга таъсири ва бошқа масалалар МДҲ давлатлари олимларидан Е.О.Аквазба, Е.В.Балацкий, Н.Н.Беденко, К.Н.Гоженко, А.Х.Жанказиев, А.П.Колядин, Л.Полищук, А.К. Савина, В.И.Сухочевлар томонидан тадқиқ қилинган. Мамлакатимизнинг иқтисодчи олимларидан О.Қ.Абдурахмонов, Р.Алимов, Г.Н.Ахунова, Б.А.Бегалов, А.Ш.Бекмуродов, Ш.Н.Зайнутдинов, М.А.Икрамов, Н.К.Йўлдошев, Р.И.Халмуратов, Д.С.Касимова, Р.И.Нуримбетов, Б.Х.Рахимов, Р.А.Рахманбаева, М.Х.Сайдов, А.Н.Самадов, Б.Ю.Ходиев, А.О Очилов., А.Т.Юсупов ва бошқаларнинг илмий асарларида ОТМларида юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқарышнинг назарий ва амалий жиҳатларига доир кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Жумладан, О.Қ Абдурахмонов. Мехнат бозорини бошқариш та ташкил этишда таълим тизимининг ўрни, таълим сифати ва таълим тизимининг меҳнат бозори талабларига мослашувчанлик масалаларини тадқиқ қилган[7]. Иқтисодчи олима Г.Н.Ахунова ўз тадқиқотларида мамлакат таълим тизимида маркетинг тадқиқотларини олиб бориш масалаларини ўрганган[9].

М.Х.Сайдов эса олий таълим иқтисоди, инвестиция жараёнлари ва маркетинг фаолиятини ташкил этиш ҳамда бошқаришни назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил этган [19]. А.О. Очилов Юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини оширишда юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини бошқаришнинг замонавий ҳолати, хусусиятлари, тамойиллари ва хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида таҳлил этган ҳолда олий таълим тизими бошқарувини модернизациялаш асосида таълим сифатини оширишни бошқариш моделини ишлаб чиқиши бўйича тадқиқотлар олиб борган [13].

Шунингдек, тадқиқотчилар Ж.Ш Маткарилов ва Ш.Л.Шарофиддиновлар таълим жараёнида бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолашга оид назарий қарашлар, самарали бошқарувни ташкил этишда қандай омилларга кўпроқ эътибор қаратиш масалаларига эътибор қаратишган[16]. Иқтисодчи олим Н.Ж.Сотоволдиев олий таълим муассасасини бошқаришга иқтисодий диагностика обьекти сифатида ёндашиб, иқтисодий диагностиканинг олий таълим муассасаси фаолиятининг самарадорлигини таъминлашдаги ўрни, олий таълим сифатини баҳолашга таълим жараёнидан манфаатдор субъектлар кутадиган натижалар бўйича ёндашувларни асослаб берган[17].

О.С.Қаҳҳоров ўз тадқиқотларида олий таълим муассасалари бошқарув фаолияти самарадорлиги, бошқарув тизими ва бошқарув жараёни самарадорлигининг ўзаро таъсири ва омиллари, таълим муассасаси самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари, кадрлар тайёрловчи кафедраларнинг устуворликлари масалаларини ўргангандан.

Кўриниб турганидай, мавзу юзасидан кўплаб тадқиқотлар олиб борилаётганлигига қарамай, глобаллашув шароитида олий таълим олдига кўйилаётган талабларнинг кучайиши ва мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг янги босқичга кўтарилиши натижасида ушбу муаммо бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқотни олиб бориша индукция ва дедукция, тизимли ва қиёсий таҳлил, прогнозлаштириш, статистик ва математик таҳлил.

**Таҳлил ва натижалар.** Таълим фаолиятининг сифатини таъминловчи самарали бошқарув тизимини яратиш - олий таълим муассасаларининг замонавий таълим хизматлари бозорида фаолият кўрсатишининг зарурий шартидир. Буларни ҳаммаси конкретлаштирилган ҳолда таълим сифатини оптималлаштириш деб ифодаланиши мумкин. Таълим сифатини оптималлаштириш - юқори малакали кадрлар тайёр-

лашни бошқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан биридир.

Олий таълимда сифатни таъминлаш масаласи масаласи ҳар бир университет ва унда фаолият кўрсатаётган кафедралар олдида турган энг долзарб муаммодир. Бугунги кунда таълим масаласига эътибор – таълим мақсадидан келиб чиқиб фарқланмоқда. Агар 2000 йилларда олий таълимнинг мақсади талабаларга маълум бир билимлар жамланмасини бериш ва уларда тегишли амалий малакаларни ва қўнималарни шакллантириш («Университет 1.0» модели) бўлган бўлса, ҳозирги вақтда эса унинг мақсади билимли, маълум бир фаолият турига асосланган, тегишли компетенцияга эга, янги ишлаб чиқариш шароитига билимларини ўtkаза олиш ва билимини мустақил тўлдира олиш қўнималарига эга бўлган рақобатбардош мутахассис шахсини шакллантириш ("Университет 3.0" концепцияси) 1-жадвал.

Олий таълим тизими олдида бугунги кунда таълим сифатини таъминлаш, илмий-тадқиқот, инновацион фаолият ва бошқа соҳаларда ўзечимини кутаётган бир қатор долзарб муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда.

Бу ҳақда Президент Ш.Мирзиёев жорий йилнинг июнь ойида олий таълим тизимидағи устувор вазифаларга бағишиланган видеоселектор йиғилишида таъкидлаганидек: "...охирги 3 йилда олий таълим муассасалари сони 65 тадан 117 тага етди, қабул ўринлари 66 мингтадан 181 мингтага ошди. Уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Хорижий мамлакатлар билан кўшма таълим дастурлари доирасида 64 та янги касб бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди. Профессор-ўқитувчиларнинг маоши ўртача 3,5 бараварга оширилди. Лекин сифат борасида ўзгаришлар ҳали сезилмаяпти. Таълим сифатини яхшилаш, ўкув ишларини бозор эҳтиёжларидан келиб чиқиб ташкил этиш масаласи Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, ректорларнинг эътиборидан четда қолиб кетмоқда. Масалан, 815 та ўйналишнинг 55 фоизи меҳнат бозори талабларига жавоб бермайди. Олий таълим муассасалари 2 мингга яқин фанлар бўйича дарслилар билан таъминланмаган, ўкув дастурлари бундан 40 йил олдинги фан ва ўйналишлар асосида тузилган. Умуман, ўтказилган сўровларда аҳолининг 65 фоизи олий таълимдаги ислоҳотлар натижаси сезилмаяпти деб айтган"[4]. Шу боис, йиғилишда соҳадаги 4 та устувор вазифа кўрсатилди:

1) олий таълим муассасалари бошқарув кенгашларининг ролини ошириш ва кафедралар ваколатларини кенгайтириш;

2) ўкув жараёнини бозор талабларига мослаштириб, ишлаб чиқариш билан узвийлигини

таъминлаш ва талабанинг ўз устида ишлаши учун мухит яратиш;

3) олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини ошириш, илм-фан ва инновацияни ривожлантириш;

4) профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун қоғозбозликни камайтириш, соҳани рақамлаштириш орқали бюрократия ва коррупцияни кескин қисқартириш.

Бу вазифаларни самарали бажариш учун олий таълим муассасаларига академик ва ташкилий-бошқарув бўйича мустақил қарор қабул қилиш ваколати берилиши кўрсатилди.

Қайд этилган вазифаларни бажаришда ҳамда олий таълим муассасасининг бошқарув тизимида кафедралар ўкув-илмий бўлинма сифатида мухим бўғин вазифасини бажаради. Айнан кафедралар таълим жараёнини таъминлайди ҳамда ўкув-услубий таъминотнинг барча элементлари – ўкув дастурларидан тортиб дарсларгача шу ерда яратилади, кафедраларда фундаментал илмий-тадқиқотлар ва амалиётга йўналтирилган ишланмалар олиб борилади, услугий ишлар ташкил этилади, талабаларнинг интеллектуал ва шахсий ривожланишига ҳамда профессор ўқитувчиларнинг малакасини ошириши учун шароит яратилади. Олий таълим тизимида бир неча турдаги кафедралар мавжуд. Мутахассис чиқарувчи кафедралар – маълум бир йўналишда мутахассис тайёрлаш учун жавобгардир. Умумкасбий кафедра ҳар қандай йўналишдаги талабаларга ўз фанларини (математика, фалсафа, тиллар, тарих ва ҳ.к.) ўқитади. Корхонадаги таянч кафедра - бу таълим муассасаси ва ихтисослашган компания ўртасидаги ўзаро алоқа майдонидир[8].

Кафедралар ОТМнинг турли хил ривожланиш дастурлари тадбирларида, ўкув ва илмий фаолиятдан ташқари бошқа йўналишларда - ҳужжат айланиши тизимида иштирок этиши, фаолият натижалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этиши, бошқа бўлинмалар ва раҳбарият билан ўзаро алоқадорлиқда бўлиши лозим. Шундай бўлсада, кафедраларнинг асосий функционал вазифаларидан бири - таълим жараёнини ташкил этиш, уни малакали ўқитувчилар ва зарурий ўкув-услубий жиҳозлар билан таъминлашдир [6].

Умумий ҳолатда, кафедралар ваколатларини кенгайтириш, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини кенгайтирилишини назарда тутилади. Кейинги пайтларда бу борада мухим ўзгаришлар амалга ошмоқда. Жорий ўкув йилидан бошлаб ўкув режаси ва адабиётлар, фан дастурларини жорий этиш, профессор-ўқитувчиларнинг ўкув юклamasи ҳамда таълим шаклларини белгилашни ОТМ бошқарув кенгашининг ўзи кафедралар таклифи асосида ҳал қилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кафедраларга бериладиган мустақиллик таълим сифатини пасайишига эмас, балки уни кўтарилишига хизмат қилиши лозим. Энг аввало кафедралар касбий-малакавий талабларни юзага чиқаришдаги ижодий ёндашувида мустақилликка эга бўлишлари лозим, аммо бунда таълим стандартлари унтутилмаслиги керак. Ҳар қандай мустақиллик юқори масъулият билан кафолатланиши керак. Шунинг учун кафедралар томонидан қабул қилинаётган ўкув режалар ва фандастурлари давлат таълим стандартларига мос келиши керак.

Мамлакатимиз олий таълим тизимида фаолият юритаётган кафедраларнинг бу борадаги ҳолати ўрганилганда ечимини кутаётган долзарб муаммолар борлиги намоён бўлади. Таҳлилларга кўра, олий таълим тизимида “таълим жараёни 2001 йилда тасдиқланган стандартлар асосида олиб борилмоқда. Лекин, шу даврда таълимнинг ҳалқаро стандартлари 2 марта янгидан қабул қилинган. Айрим ўкув дарслари замон ва бозор талабига эмас, балки профессор-ўқитувчиларга мослашган. Талабалар ўз йўналишига даҳлдор бўлмаган фанлар билан ҳам шуғулланмоқда” [4]. Бу фикрлар олий таълим тизимида давлат таълим стандартларини ҳалқаро стандартларга мослаштириш, касбий малака талабларига бозор ва иш берувчилар талабларидан келиб чиқсан ҳолда мунтазам ўзгартиришлар киритиб бориш орқали уларнинг мослашувчанлигини таъминлаш механизмини яратиш талабини кўяди.

ОТМ кафедраларининг асосий вазифаларидан яна бири – илмий-тадқиқот фаолиятини олиб боришдир. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлаништириш концепцияси”да илмий тадқиқот ишлари таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштиришни узвий боғлиқлигини назарда тутади. Концепцияга асосан, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, пуллик хизматлар кўламини кенгайтириш ҳисобига олий таълим муассасалари таркибида технопарк, форсайт, технологиялар трансфери, стартап, акселератор марказларни ташкил этиш, уларни тегишли тармоқ, соҳа ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тадқиқ қилиш ва прогнозлаштириш бўйича фаолият олиб боришларини таъминлаш ҳамда профессор-ўқитувчилар, илмий изланувчилар, докторантлар, магистратура ва бакалавриат талабаларини ташкил этиладиган технопаркларда илмий ва инновацион фаолият олиб боришларига эришиш назарда тутилади [3]. Бу ишларнинг ҳаммаси кафедраларда бажарилишини ҳисобга оладиган бўлсак, уларнинг илмий салоҳияти масаласи марказга чиқади.

Маълумотларга кўра, халқаро тажрибада илмий салоҳият 70 фоиздан кам бўлган университет нуфузи юқори бўлмайди. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 36,4 фоизни ташкил этиб, илмий даражалиарнинг ўртача ёши 49 фоизни (фан докторлари – 56 ёш, фалсафа докторлари ва фан номзодлари – 43 ёш) ташкил этади[2]. Ўрганишлар шуни кўрсатадики, кафедраларда инновацион фаолият, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, илмий-тадқиқот ишларига иқтидорли ёшларни жалб этиш натижадорлиги ҳамда “таълим - фан - ишлаб чиқариш” узвийлиги паст, сўнгги йилларда нуфузли халқаро илмий журналларда чоп этилган мақолаларга иқтибослар сони камайган, кафедралар фаолияти ишлаб чиқариш билан боғланмасдан олиб борилганлиги сабабли аксарият битирувчилар меҳнат бозори ва иш берувчилар талабларига жавоб бера олмаяптилар.

ОТМнинг илмий тадқиқот соҳасидаги фаолиятини кучайтириш ва улар мустақиллигини кенгайтириш мақсадида илмий салоҳиятини баҳолашда ёшларни илмий тадқиқот ишларига жалб қилиниш даражасига асосий эътибор қартиш, ҳар бир кафедрадан бир нафар ёш олимни хорижга стажировкага жўнатиш, нуфузли хорижий нашрларда муентазам мақолалар чиқарип келаётган, шунингдек, шогирдлари илмий ишларини ўз вақтида ва сифатли ҳимоя қилган

илмий раҳбарларга 5 тагача докторант ва 3 тагача мустақил изланувчи олиш ҳуқуқини бериш билан бир қаторда кафедралар ҳузурида илмий-тадқиқот марказлари ташкил этиб, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва зарур техника билан таъминланади. Бу эса ҳар бир кафедранинг тармоқ корхоналари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш, ўқитувчиларнинг корхоналарда амалий тадқиқотлар ўтказишига шароит яратиш заруриятини келтириб чиқаради.

Шу ўринда кафедра ўқитувчилари ва тадқиқотчиларнинг илмий фаоллигига салбий таъсир кўрсатаётган яна бир омилга тўхталиш жоиз. Тадқиқотчилар Scopus ва Web of Science журналларида чиқараётган мақолалар тўловлари учун катта миқдордаги маблағ четта чиқиб кетяпти. Бошқа томондан, баъзан тадқиқотчилар обрўси паст бўлган “қароқчи” журналлар домига илиниб ўзининг ва мамлакатимизнинг илмий нуфузига путур етказиб қўймоқда. Масалан, Ўзбекистонда 2020 йил якуни бўйича Scopus базасида индексланадиган 2916 та мақола чоп этилган бўлиб, шундан 1740 таси ёки деярли 59,7% “қароқчи” журналларда нашр эттирилган. Таққослаш учун, яқин қўшниларимиз Қозоғистонда чоп этилган мақолалар сони мос даврда 1,4 бараварга кўп бўлгани ҳолда, нуфузи паст журналларда чоп этилиши 10,9 %ни, Қирғизистонда 4,8%, Тожикистонда 2,5 %ни ташкил қиласди (1-жадвал)[10].

#### 1-жадвал

#### 2020 йилда мамлакатлар бўйича Scopus томонидан тўхтатилган манбаларда мақола ва шарҳлар улуши

	Мамлакатлар номи	Умумий мақола ва шарҳлар	Тўхтатилган журналларда	Тўхтатилган журналларда(% хисобида)
1.	Ўзбекистон	2916	1740	59.67%
2.	Ироқ	14,687	3643	24.80%
3.	Индонезия	25,601	5995	23.42%
4.	Филиппин	4497	550	12.23%
5.	Қозоғистон	4070	444	10.91%
6.	Малайзия	28,527	2833	9.93%
7.	Ҳиндистон	155,294	13,383	8.62%
8.	Йордания	6096	389	6.38%
9.	Бахрайн	896	57	6.36%
10.	Украина	12,521	700	5.59%
11.	Қирғизистон	413	20	4.84%
12.	Афғонистон	268	11	4.10%
13.	Вьетнам	15,451	576	3.73%
14.	Руминия	11,984	443	3.70%
15.	Марокаш	7196	260	3.61%
16.	Уммон	2278	81	3.56%
17.	Папуа Янги Гвинея	217	6	2.76%
18.	Перу	4288	111	2.59%
19.	Фаластин	1087	28	2.58%
20	Тожикистон	236	6	2.54%

Бу маълумотлар шу соҳадаги муаммоларни долзарб эканлигини яққол намоён қилмоқда. Кўриниб турганидек, ўрганилган 20 мамлакат

иҷида тўхтатилган журналларда мақола чиқариш бўйича Ўзбекистон 1-ўринни эгалаб тургани афсусланарли ҳолат.

Таълим тизими замонавий талабларга жавоб бериши, истиқбол режаларини белгилари ва келажакка интилиши лозим. Шу боисдан, илмий фаолият соҳасидаги юқоридаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон

Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг мақсадли кўрсаткичлари қабул қилинди (2-жадвал) [3].

2-жадвал

### Ўзбекистон Республикаси олий таълими муассасаларида илмий фаоллигини ошириш истиқболлари

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Йиллар кесимида					2030 йилда 2019 йилга нисбатан ўзгариш
			2019	2020	2023	2025	2030	
1.	«Scopus», «ScienceDirect», «Web of Science» ва бошқа халқаро илмий-техник маълумотлар базасида индексланувчи журналлардаги мақолалар	сон	750	1200	2500	4000	7000	9,3 марта
2.	«Scopus», ScienceDirect, «Web of Science» ва бошқа халқаро илмий-техник маълумотлар базасига киритилган олий таълим муассасалари илмий журналлари	сон	-	2	10	25	35	
4	ОТМларда фаолият олиб бораётган «Хирш» индекси (h-индекс) 5 ва ундан юқори бўлган профессор-ўқитувчилар	сон	142	171	295	460	900	6,3 марта
5.	Хорижий талабаларнинг улуши	фоиз	1	3	6	10	15	15 фоиз пункти

Жадвалдан кўриниб турганидек, Концепцияда республикамиз олий таълим муассасаларининг илмий салоҳияти ва фаоллигини оширишга жиддий эътибор қаратилган. 2030 йилга бориб, 2019 йилга нисбатан профессор-ўқитувчилар ва илмий тадқиқотчиларнинг «Scopus», «ScienceDirect», «Web of Science» ва бошқа халқаро илмий-техник базаларда индексланувчи журналлардаги мақолалари сонини 9,3 марта, ОТМларда фаолият олиб бораётган «Хирш» индекси (h-индекс) 5 ва ундан юқори бўлган профессор-ўқитувчилар сонини 6,3 марта етказиш мўлжалланган.

Шунингдек, 2019 йилда республикамиз олий таълим муассасаларида чоп этилаётган илмий журналларини бирортаси ҳам юқорида қайд этилган халқаро илмий-техник маълумотлар базасига киритилмаган, 2020 йилда улар сони бор-йўғи 2 нафар бўлган бўлса, 2030 йилга бориб бундай журналлар сонини босқичмабосқич 35 тага кўтариш ҳамда мамлакатимизда таҳсил олаётган жами талабалар улушкини 15 фоизга ошириш кўзда тутилмоқда. Қайд этиш лозимки, кўзланган мўлжалларга эришиш синергик самара таъсирига эга. Яъни эришилган бир ютуқ самараси бошқа мўлжалга янада кучлироқ таъсир кўрсатиши ва натижалар бундан ҳам юқори бўлишига олиб келади. Таҳлиллар натижаси кўрсатадики, юқори малакали кадрлар тайёрлашни самарали бошқарища соҳа мутахассислари ва таълим иштирокчилари томонидан хизмат вазифалари белгиланган

талабларга мувофиқ бажарилиши муҳим[14]. Бунга эришиш учун олий таълим муассасаларига берилаётган академик ва молиявий мустақиллик муҳим аҳамиятга эга.

**Хулоса ва таклифлар.** Демак, олий таълим тизими бошқаруви фаолияти эркинлиги ва мустақиллигини таъминлаш учун қуйидагиларни амалга ошириш муҳим:

- ўқув режа ва дастурларини иш берувчилар талабига мослаштириш орқали амалий кўнкималар шакллантиришга йўналтириш. Бунинг учун кафедралар ва кадрлар буюртмачиларининг ўзаро ҳамкорлик дастури ишлаб чиқилиши лозим. Ушбу дастурда амалий машғулотлар ва ишлаб чиқариш амалиётларини ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказилиши, амалий машғулотларни олиб бориш учун ишлаб чиқариш корхоналаридан тажрибали мутахассисларни жалб этишини йўлга қўйиш;

- ўқитувчиларнинг йиллик ўқув юкламасини оптималлаштириш орқали таълим сифатини яхшилаш. Умумий йиллик юкламаларида ўқув адабиётларини яратиш учун ажратилган вақтни дарс ўтиш юкламаси вақти ҳисобидан ошириш механизмини ҳамда хорижий адабиётлар таржимасини йўлга қўйиш орқали ўқув адабиётлари билан таъминланиш даражасини ошириш. Кафедраларни дунёнинг нуфузли кутубхоналаридан масофавий фойдаланиш имкониятини яратиш. Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш;

• профессор-ўқитувчиларнинг хорижий тиллар ва ахборот-коммуникация технологияларини ўзлаштириш даражасини оширишин рағбатлантириш йўли билан уларнинг касбий маҳоратини замон талабларига мослаштиришга ҳамда ОТМдаги барча бўғинлар ва турли йўналишдаги кафедралар ўртасидаги ҳамкорликни йўлга қўйишга эришиш. Бу нафақат педагог кадрлар салоҳиятини ошишига, балки иқтисодиёт соҳасида юзага келаётган баъзи муаммаларни ҳам бартараф этилишига ёрдам беради (масалан турли дастурлар яратилишида).

• Олий таълим муассасалари ва унинг бўғинларини, шунингдек кафедраларни професионал бошқарувини йўлга қўйиш. Бунинг учун барча бўғин раҳбарларини замонавий менежментга ўқитиши, улар фаолиятини баҳолашни йўлга қўйиш. Бунда иш берувчилар, ота оналар ва кенг жамоатчиликдан сўровномалар ўтказиш усуллардан фойдаланиш;

• ОТМ раҳбарияти томонидан ҳал қилинадиган масалаларда, жумладан, педагог кадрлар-

ни ишга қабул қилиш, лавозимларга танлов ўтказишида адолат ва очиқликни ҳамда коррупцияга йўл қўйилмаслигини таъминлаш;

• Олий таълим муассасаларида қофоз айланнишини камайтириш, ўқув-методик ҳужжатларни электрон шаклга ўтказиш ва ҳисоботлар учун электрон база тизимини яратишни жадаллаштириш. ОТМ ва кафедраларнинг амалдаги мустақиллигини таъминлаш нуқтаи назаридан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш, ўзгартиришлар киритиш ёки бекор қилиш;

• хорижий олий таълим муассасалари ва илмий марказлари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурларини яратиш, халқаро қўшма илмий журналлар ташкил қилиш, олий таълим муассасалари илмий журналларининг Scopus, ScienceDirect ва бошқа халқаро илмий-техник маълумотлар базаларига халқаро экспертиларни жалб килган ҳолда киритиш.

#### ***Манба ва фойдаланилган адабиётлар:***

1. Ўзбекистон Республикаси қонуни "Таълим тўғрисида". ЎРК-637-сон //2020// [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириша иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3151-сонли Қарори// [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
3. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириши Концепцияси//[www.lex.uz](http://www.lex.uz)
4. Ш.Мирзиёев раислигидаги видеоселектор ийғилиши. Олий таълим тизимидағи устувор вазифалар. 16 июнь 2021й. <https://president.uz/>
5. Ўзбекистон Республикаси ОЎМТВ буйруғи. Вазирлик тасарруфидаги кафедралар фаолиятини ташкил этиши ҳамда кафедра мудирлари фаолиятини баҳолаб бориш тартиби// Т. 2017. №267.
6. Олий таълим муассасалари кафедраларида иш юритиш тизимини такомиллаштириш юзасидан ўйриқнома// Т. 2016. 13Б. <https://tma.uz>.
7. Абдурахмонов О.Қ. Мехнат бозорини бошқаришда таълим тизимининг ўрни: Иқт. фан. номз. ... дисс. – Т., 2005. – 135 б
8. Кондрашова О.И., Колонтаевская И. Ф. Зарубежный опыт инновационного развития вузов //Альманах современной науки и образования. Тамбов: Грамота, 2013. № 11 (78). С. 91-93.
9. Ахунова Г.Н. Исследование рынка образовательных услуг в Узбекистане: Докт. дисс. и автореф. дис. ... д.э.н. – Ташкент: ТГЭУ, 2005.
10. Eshchanov, B.;Abduraimov, K.; Ibragimova, M.; Eshchanov, R. Efficiency of "Publish or Perish" Policy—Some Considerations Based on the Uzbekistan Experience. Publications 2021, 9, 33. <https://doi.org/10.3390/publications9030033>
11. Ақвазба Е.О., Ухабина Т.Е., Черемисина Е.В. Качество образования в современной образовательной организации: проблемы и перспективы // Современные проблемы науки и образования. – 2015. – 5.URL:[www.science-education.ru](http://www.science-education.ru) / 128-21477.
12. Жуковская И.Е. Высшие учебные заведения в формировании национальной инновационной системы страны // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. 2012. 4
13. Очилов А.О. Юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини ошириш. Иқт. фанл. докт. ... дисс. автореф. – Т.,-2018. – 76 б
14. Эркаева Г.П., Исламтуллаев Ж.А. Минтақаларда пандемия инқизозига қарши бошқарувни қўллаш зарурати ва хусусиятлари. Иқтисодиёт ва таълим журнали 2020 № 5 218-222 б.
- 15 . Berdiyev Abdumalik Hakimovich et al. (2021). Measures to Increase the Popularity Of Banking Services. International Journal of Modern Agriculture,10(2), 3943 - 3949. Retrieved from <http://www.modern-journals.com/index.php/ijma/article/view/1269>
16. Ж.Ш Маткаримов ва Ш.Л.Шарофиддинов. Таълим жараёнида бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолашга оид назарий қарашлар. Ж.Современное образование (Узбекистан), 2015. <https://cyberleninka.ru/>
17. Н.Ж.Сотволдиев. Олий таълим муассасасини бошқарши - иқтисодий диагностика объекти сифатида. "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnalı. № 4, iyul-avgust, 2020 y.. <http://iqtisodiyot.tsue.uz/>
18. О.С.Қаҳзоров. Таълим тизимида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг бошқарув самарадорлигини баҳолаш "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2019 й. <http://iqtisodiyot.tsue.uz/>
19. Сайдов М.Х. Экономика, инвестиции и маркетинг высшего образования. – Т.: Молия, 2002.
20. [www.unesco.org](http://unesco.org)